

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 19**

**МАВЗУ: ҚОРИН МУШАКЛАРИ ВА ФАСЦИЯЛАРИ.  
ҚОРИН ТЎҒРИ МУШАГИНИНГ ҚИНИ. ҚОРИННИНГ  
ОҚ ЧИЗИҒИНИ ҲОСИЛ БЎЛИШИ. ЧОВ КАНАЛИ.  
УЛАРНИНГ ЁШГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.**

**Кафедра мудири: Х.А.Расулов**

**Тошкент 2009**

## 19-амалий машғулот (7-маъруза)

**Мавзу: Қорин мушаклари ва фасциялари. қорин тўғри мушагининг қини. қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши. Чов канали. Уларнинг ёшга қараб ўзгариши.**

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар.

- қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини, уларнинг ўзбекча ва лотинча номларини ўргатиш
- қорин мушаклари тузилишини бошланиш ва бирикиш соҳаларини кўрсатиш
- қорин мушакларининг болалардаги хусусиятларини ўргатиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини, уларнинг бошланиш ва бирикиш соҳаларини, ҳамда фаолиятини тушунтириб беради.

**қорин мушаклари топография нуктаи назаридан уч гуруҳга: қориннинг олдинги, ён ва орқа девори мушакларига бўлинади.**

**қориннинг ён деворида уч қават жойлашган сербар мушаклар бўлиб, уларнинг олдинги қисмлари кенг пай-апоневроз ҳосил қилиб ўрта чизикда ўзаро бирикади ва қориннинг оқ чизиғини ҳосил қилади.**

1. қориннинг ташқи қийшиқ мушаги (*m. obliquus externus abdominis*) пастки саккизта ковурадан алоҳида тишчалар билан бошланади. Уларнинг бешта юқоридагиси олдинги тишли мушак, пастки учтаси эса орқанинг сербар мушаги тишлари билан чатишиб бошланади. Мушакнинг юқори қисми толалари горизонтал йўналади ва кенг апоневроз ҳосил қилиб, қарама-қарши мушак апоневрози билан бирикиб, қориннинг оқ чизиғини ҳосил қилади. Унинг пастки қисми толалари қийшиқ йўналиб ёнбош суяги қирраси ташқи лабига ва қов дўмбоғига бирикади. Апоневрознинг олдинги юқориги ёнбош ўсимтаси билан қов дўмбоғи ўртасида тортилган пастки чеккаси тарнов шаклида бўлиб, чов бойламини (**lig. inguinale**) ҳосил қилади. қов суягига бириккан жойда бу апоневроз икки: ички ва ташқи оёқчаларга

ажралади. Ички оёқчаси қов симфизининг олдинги юзасига бирикса, ташқи оёқча қов дўмбоғига бирикади. Ички оёқчанинг учидан давом этган фиброз толалар пастга бурилиб *pecten ossis pubis* га бирикиб **lig. lacunare** ни ҳосил қилади. Фаолияти: Икки томонлама қисқарса, қовурғаларни тушириб, умуртқа поғонасини букади, қорин босимини оширади. Бир томонлама қисқарса, танани қарама-қарши томонга буради.

2.қориннинг ички қийшиқ мушаги (*m. obliquus internus abdominis*) қориннинг ташқи қийшиқ мушагини ичкарасида иккинчи қаватда жойлашиб, чов бойламининг ташқи 2/3 қисми устки юзасидан, ёнбош суяги қиррасининг олдинги 2/3 қисмидан ва кўкрак-бел фасциясидан бошланади. Мушакнинг юқори қисми толалари пастки учта қовурға тоғайига бирикса, пастки толалари кенг апоневрозга айланиб қарама-қарши мушак апоневрози билан бирикиб қориннинг оқ чизигини ҳосил қилишда иштирок этади. Мушакнинг пастки қисми толаларининг бир қисми қориннинг кўндаланг мушаги толалари билан бирга уруғ тизимчаси таркибига кириб, моякни кўтарувчи мушакни (***m.cremaster***) ҳосил қилади. Фаолияти: икки томонлама қисқарганида қовурғаларни тушириб, умуртқа поғонасини букади, қорин босимини оширади. Бир томонлама қисқарса танани ўз томонига буради.

3.қориннинг кўндаланг мушаги (*m. transversus abdominus*) учинчи қаватни ҳосил қилиб толалари орқадан олдинга горизонтал йўналган. Унинг толалари олти пастки қовурғалардан, кўкрак-бел фасциясининг чуқур қатламидан, ёнбош суяги қиррасининг ички лабидан ва чов бойламининг ташқи 1/3 қисмидан бошланиб, кенг апоневрози қарама-қарши мушак апоневрози билан бирикиб қориннинг оқ чизигини ҳосил қилишда иштирок этади. Фаолияти: қорин босимини оширади, қовурғаларни олдинга, ўрта чизикқа тортади.

қориннинг олдинги деворида: 1.қориннинг тўғри мушаги (*m. rectus abdominus*) қориннинг оқ чизигини икки томонида бўйламасига йўналган узун лентасимон мушак. қов қирраси ва қов симфизидан икки пай билан бошланиб юқorigа йўналади ва биров кенгайиб ханжарсимон ўсимтанинг олдинги юзаси, V-VII қовурғалар тоғайига бирикади. Бу мушак толалари 3-4 ерида кўндаланг йўналган пай белбоғлар (***intersectiones tendinae***) билан бўлиниб туради. Бунинг натижасида мускулнинг айрим қисмлари алоҳида қисқариши мумкин. Фаолияти: умуртқа поғонасини букади, қовурғаларни пастга тортади.

2.Пирамидасимон мушак (*m. pyramidalis*) учбурчак шаклида. У қов қиррасидан бошланиб толалари пастдан юқorigа йўналади ва қориннинг оқ чизигига бирикади. Фаолияти: қориннинг оқ чизигини таранглайди.

қориннинг орқа деворида белнинг квадрат мушаги (*m. quadratus lumborum*) ёнбош суяги қирраси, **lig. iliolumbale**, пастки бел умуртқаларининг кўндаланг ўсиқларидан бошланиб, XII қовурғанинг пастки қирраси ва устки бел умуртқаларининг кўндаланг ўсиқларига бирикади.

Фаолияти: икки томонлама қисқарганида умуртқа поғонасини тик тутса, бир томонлама қисқарганида умуртқа поғонасини ўз томонига, XII қовурғани пастга тортади.

Янги туғилган чақалоқнинг қорин мушаклари кам ривожланган, юпка ва нозик бўлиб, бир-биридан қийин ажралади. Мушак қисми апоневрозга билинмасдан ўтиб кетади. Апоневрозлари кенг ва нозик. Ташқи қийшиқ мушакнинг мушак қисми нисбатан қисқа. қорин ички қийшиқ мушагининг пастки ундан (*m. cremaster*) ажраб чиқадиган қисми толалари яхши тараққий этган. қорин кўндаланг мушагининг мушак қисми апоневрозга билинмасдан ўтгани учун яримойсимон чизик яхши билинмаган. Болаларда кўндаланг фасция юпка, қоринпарда олди ёғ тўқимаси йўқ бўлгани учун кўндаланг фасция қоринпарданинг париетал варағига бевосита тегиб туради. Ёғ клетчаткаси 2 ёшларда пайдо бўлиб, аста-секин кўпая боради.

қорин тўғри мушагининг пай белбоғлари ёш болаларда юқори жойлашган. қорин мушакларининг тез ўсиши бола юрабошлаган даврдан бошланади. Уларни мушакул қисми кўпайиб апоневрозлари мустаҳкамланади.

қориннинг оқ чизиги (*linea alba*) қорин сербар мушаклари апоневрозлари толаларини бирлашишидан ҳосил бўлади. У ханжарсимон ўсимтадан қов симфизига тортилган фиброз пластинкадан иборат бўлиб, юқори қисмида кенглиги 2,5 см. Киндикдан пастга томон у торайиб қалинлашиб боради. У пишиқ қон томирлари кам бўлгани учун жарроҳлик аралашувларида катта аҳамиятга эга. Ёш болаларда қориннинг оқ чизиги аниқ билинган бўлиб, унинг кенглиги ханжарсимон ўсиқ соҳасида 5-8 мм, киндик соҳасида 12-16 мм. Унинг юқори қисмида ва киндик соҳасида юпқалашган жойлар бор. У 2 ёшгача секин ўсади.

қорин тўғри мушагининг қини (*vagina m. recti abdominis*) қориннинг учта сербар мушаги апоневрозидан ҳосил бўлади. Улар қорин тўғри мушагини олдинги ва орқа юзасидан ўраб олади. Унинг олдинги ва орқа деворининг тузилиши юқори ва пастки қисмларда бир хил эмас. Киндикдан юқорида қорин ташқи қийшиқ мушагининг апоневрози тўғри мускулнинг олд томонидан ўтса, кўндаланг мушакнинг апоневрози орқа томондан ўтади. қорин ички қийшиқ мушагининг апоневрози тўғри мушакнинг ташқи чеккасида икки варақча бўлинади. Унинг биттаси тўғри мушакнинг олд томонидан ўтиб, ташқи қийшиқ мушак апоневрози билан бирикиб олдинги деворни, иккинчиси эса орқа томондан ўтиб кўндаланг мушакнинг апоневрози билан билан бирикиб орқа деворни ҳосил қилади. Киндикдан 4-5 см пастроқда қориннинг барча сербар мушакларининг апоневрозлари тўғри мушакнинг олд томонидан ўтиб, қиннинг олдинги деворини ҳосил қилади. қорин тўғри мушагини орқа томонидан бу соҳада фақат кўндаланг фасция қоплайди. Ёш болаларда қорин тўғри мушаги кинини орқа девори кам тараққий этган.

Чов канали (*canalis inguinalis*) чов бойламининг ички ярми устида, қорин сербар мушакларининг орасида қия жойлашган ёриқ бўлиб, ундан эркакларда уруғ тизимчаси, аёлларда бачадоннинг юмалоқ бойлами ўтади.

Чов каналининг узунлиги 4-5 см. Унда чуқур ва юза тешиклари тафовут қилинади. Чов каналининг юза тешиги (*annulus inguinalis superficialis*) қов суягининг устида жойлашган. Уни юқори томондан чов бойламининг ички оёқчаси (*crus mediale*), пастдан ташқи оёқчаси (*crus laterale*), ташқи томондан оёқчалараро толалар (*fibrae intercruralis*) ва ички томондан букилган бойлам (*lig. reflexum*) чегаралайди.

Чов каналининг чуқур тешиги (*annulus inguinalis profundus*) қорин бўшлиғи томонидан кўндаланг фасциядаги ташқи чов чуқурчаси соҳасида жойлашган воронкасимон ботиқликдан иборат. Чов каналидан ўтаётган аъзоларга нисбатан унинг тўртта девори тафовут қилинади. Унинг олдинги деворини қорин ташқи қийшиқ мушагининг апаневрози, орқа деворини кўндаланг фасция, устки деворини қориннинг кўндаланг ва ички қийшиқ мушакларининг пастки чеккалари, пастки деворини чов бойлами ҳосил қилади.

Янги туғилган чақалоқ чов канали нисбатан қисқа, кенг ва тўғри йўналган. Унинг юза ҳалқаси нисбатан юқори жойлашган бўлиб, овал ёки учбурчак шаклида. Ички ва ташқи оёқчалар ва оёқчалараро толалар кам тараққий этган. Чов каналининг чуқур ҳалқаси кўндаланг фасцияда қоринпарда билан ёпилган, 2-4 мм кенгликдаги воронкасимон ботиқлик шаклида. Чов каналининг тузилиши 3 ёшда тугайди.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини ишлатамиз. Учта турли хил савол учта кичик гуруҳга берилади. 1. қориннинг латерал гуруҳ мушаклари. 2. қориннинг олдинги гуруҳ мушаклари. Тўғри мускул кини, оқ чизик. 3. Чов канали, топографияси, деворлари, аҳамияти. Жавоблар доскада ёзилади. Кейин гуруҳлар алмашиниб бошқасини хатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг жавоби кам тўғриланса, у яхши баҳоланади. Кичик гуруҳнинг барча қатнашчиларга бир хил баҳо қўйилади.

#### Тест саволлари

1. қорин мушаклари қандай гуруҳларга бўлинади?

А. Букувчи ва ёзувчи

Г. олдинги, ўрта ва орқа

Б. Латерал ва ўрта, ички

Д. ташқи, ўрта ва ички

В. олдинги, ён ва орқа

2. Чов канали қаерда жойлашган?

А. Чов соҳасида, чов бойлами устида

Б. қориннинг сербар мускуллари орасида

В. Чов соҳасида, чов бойлами остида

Г. қориннинг остки қисмида

Д. қорин қийшиқ мушаги апоневрозиди

3. Чов каналидан эркакларда нима ўтади?

А. Сийдик йўли

Г. *urachus*

Б. қовуқ артерияси  
В. бачадоннинг юмалоқ бойлами

Д. уруғ тизимчаси

4. Янги туғилган болалар чов канали қандай?

А. узун, тор, қийшиқ йўналган  
Б. узун, тор, тўғри йўналган  
В. қисқа, кенг, қийшиқ йўналган  
Г. қисқа, кенг, тўғри йўналган  
Д. қисқа, тор, кўндаланг йўналган

5. қориннинг оқ чизиғи қандай ҳосил бўлади.

А. қориннинг кўндаланг мушаги апоневрози бирикишидан  
Б. қориннинг сербар мушаклари апоневрозининг бирикишидан  
В. қориннинг ташқи қийшиқ мушаги апоневрози бирикишидан  
Г. қориннинг қийшиқ мушаклари апоневрозидан  
Д. қорин тўғри мушаги апоневрозидан

6. қориннинг ташқи қийшиқ мушаги қаердан бошланади?

А. Юқориғи саккизта қовурғадан

Б. тўш суяги чеккасидан  
В. Пастки саккизта қовурғадан  
Г. Ёнбош суяги қиррасидан  
Д. Бел умуртқаларидан

7. қориннинг тўғри мушаги қаердан бошланади?

А. қов симфизидан  
Б. қов қирраси ва қов симфизидан  
В. қов қирраси ва қов дўмбоғидан  
Г. қов симфизидан ва қов дўмбоғидан  
Д. Ёнбош қирраси ва қов дўмбоғидан

8. қориннинг тўғри мушаги қандай вазифани бажаради?

А. қовурғаларни кўтаради  
Б. қовурғаларни туширади ва пастга тортади  
В. Умуртқа поғонасини букади ва қовурғаларни пастга тортади  
Г. қовурғаларни тушириб, нафас чиқаради  
Д. Танани олдинга букади

9. Белнинг квадрат мушаги қаердан бошланади?

А. Бел умуртқалари танасидан  
Б. Ёнбош суяги қиррасидан

## В.Бел умуртқаларининг кўндаланг ўсимталаридан

### Г.Ёнбош суяги қирраси ва пастки бел умуртқалари кўндаланг ўсимталаридан

Д.Ёнбош суяги танаси ва кўндаланг ўсиқларидан

10.Пирамидасимон мушак қаердан бошланади?

А.қов симфизидан

Г.Ёнбош қиррасидан

Б.қов қиррасидан

Д.Ёнбош ўсиғидан

В.қов дўмбоғидан

Топшириқлар:

1. қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини ва улардаги ҳосилаларни ўзбекча ва лотинча номларини билиш

2 қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини ва улардаги асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш

3. қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини болалардаги хусусиятларини билиш

4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи қорин мушаклари, чов канали

| Терминлар |         |       | Аъзо қисмлари | Аъзонинг фаолияти |
|-----------|---------|-------|---------------|-------------------|
| лотинча   | ўзбекча | Русча |               |                   |

Баҳолаш мезони:

| Балл   | Баҳо | Талабанинг фан бўйича билим даражаси                                                                                                                                                                                                                                       |
|--------|------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 86-100 | Аъло | Талаба қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини, лотинча номларини айтиб, уларнинг бошланиш ва бирикиш соҳаларини, ҳамда вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса. |
| 71-85  | Яхши | Талаба қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилишини, лотинча номларини айтиб, уларнинг бошланиш ва бирикиш                                                                                                |

|       |            |                                                                                                                                                                                                                  |
|-------|------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|       |            | соҳаларини, ҳамда вазифасини тушунтира олса.                                                                                                                                                                     |
| 55-70 | қониқарли  | Талаба қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилиши, уларнинг бошланиш ва бирикиш соҳалари, ҳамда вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.        |
| 0-54  | қониқарсиз | Талаба қорин мушаклари, қорин тўғри мушагининг қини, қориннинг оқ чизиғини ҳосил бўлиши ва чов каналининг тузилиши, уларнинг бошланиш ва бирикиш соҳалари, ҳамда вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса. |

#### Жорий назорат саволлари

1. қорин мушаклари қандай гуруҳларга бўлинади.
2. қориннинг ташқи қийшиқ мушагини айтиб беринг.
3. қориннинг ички қийшиқ мушагини айтиб беринг.
4. қориннинг кўндаланг мушагини айтиб беринг.
5. қориннинг олдинги гуруҳ мушакларини айтиб беринг.
6. қориннинг орқа гуруҳ мушагини айтиб беринг.
7. қориннинг оқ чизиғи қандай ҳосил бўлади.
8. қорин тўғри мушаги қини қандай ҳосил бўлади.
9. Чов каналининг топографияси ва аҳамияти.
10. Чов каналини юза ҳалқасини нималар чегаралайди?
11. Чов каналини чуқур ҳалқаси қаерда жойлашган?
12. қорин мушакларининг ёшга қараб ўзгариши.

#### Машғулотнинг таъминланиши

Скелет, планшетлар, қорин мушаклари планшети ва расми.